

**ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИ ИННОВАЦИОН
РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ҲАМДА ИСТИҚБОЛЛАРНИ
БАШОРАТЛАШ**

А. Д. Равшанов

ҚарМИИ доценти

Б. М. Уралова

ҚарДУ магистранти

ARTICLE INFO.

Ключевые слова:

Туризм, ички ва ташқи туризм, рақобатбардошлиқ, инновация, инвестиция, стратегия.

Аннотация

Ушбу мақолада туризм соҳасида инновацион технологияларни ривожлантириша мавжуд имкониятлар таҳлил қилинган. Жумладан, потенциал истеъмолчиларнинг интернет коммуникация воситаларидан фойдаланиш даражасини ўрганилган, рақамли коммуникацияларни жорий қилиш бўйича тадқиқот натижалари асосида таклифлар ишлаб чиқилган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2022 LWAB.

Кириш. Мамлакатда туризмни миллий иқтисодиётни диверсификация қилиш, худудларни жадал ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасини ошириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишни таъминловчи стратегик тармоқлардан бири сифатида ривожлантириш бўйича комплекс чора тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Туризм соҳасининг инновацион фаоллигини тавсифлайадиган умумий кўрсаткич сифатида инновацион рақобатбардошлиқ хизмат қиласди. Чунки, «инновация» ва «рақобат» ўзаро чамбарчас боғлиқ тушунчалардир. Масалан, М.Портер инновацияларни рақобат кучларини шакллантирувчи восита деб тавсифланган бўлса [2], Р.Доул инновацияларни глобал рақобатнинг қуорли деб аталган [3]. Рақобат назариясининг инновацион жиҳатлари Й.Шумпетер томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, у рақобатни “ижодий бузилиш” сифатида эски ва янги ўртасида қураш, эскириб қолганларни инновациялар билан мусобака, деб тафсилот бериб, инновацион жараён ва тадбиркорлик функциялар билан боғлиқ бўлган - “самарали рақобат” ва “самарали монополия” ибораларини илмий айирбошлашга киритилган.

Рақобатнинг инновацион концепцияси XXI асрда В.Чан Ким ва Р. Моборн томонидан ишлаб

чиқилган “мовий океан стратегияси” модели туфайли янги турки олди. Муаллифлар ҳозирги даврда компаниялар ўсиш суръатлари чекланган ва даромад кам келтирадиган анъанавий сотиши бозорлар (“қизил океан”)да рақобат қымасдан, унинг ўрнига мутлақо янги бозор сегментларини ва ҳаттоқи рақобатдан озод бўлган бозорлар (“мовий океан”)ни инновацияларни жорий этиш орқали яратишга эътиборларини қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳособлайдилар[8].

Тадқиқот методологияси.

Мақоланинг методологияси, бу илмий ва тобора кенг тарқалган оммабоп фанга айланаётган манбаларни таҳлил қилишдан тортиб, туризм соҳасини стратегик ривожлантириш ва рақобатбардошлигини ошириш иқтисодиётнинг хизмат кўрсатиш тармоқларида рақобатбардошлигини оширишни жадаллаштиришдаги аҳамияти ва ўрни таҳлил қилинган.

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек “Мамлакатимизнинг бетакрор табиити, миллий қўриқхоналар, тоғли ҳудудларда туризмни ривожлантириш учун катта салоҳият мавжуд, Айниқса, тибиёт туризми, зиёрат туризми ва экотуризмни ривожлантириш нафакат иқтисодиёт, балки ижтимоий соҳалар ривожига ҳам катта туртки беради. Шу асосда 2025 йилда юртимизга ташриф буюрадиган хорижий сайёҳлар сонини 7 миллион нафарга, туризм экспортидан келадиган йиллик даромадни эса 2 миллиард долларга етказиш лозим”¹ деб таъкидлаб ўтган.

Бугунга келиб, туризм мамлакатимиз ижтимоий-иктисодий ривожланишига доир бир қанча устувор йўналишларда етакчи ўринни эгалламоқда. Аввало, иқтисодий фаол аҳоли бандлиги таъминланишига, янги ва қўшимча иш ўринлари яратилишига ҳисса қўшмоқда. Иккинчидан, эл-юрт фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Учинчидан, иқтисодий фаолиятнинг бир-бирига боғлиқ талай тармоқлари ҳамда инфратузилма ривожланишига туртки бермоқда. Тўртинчидан, маърифат ва фуқаролик жамиятининг маънавий асосларини шакллантиришда муҳим восита вазифасини ўтамоқда.

Республикамиз минтақаларида туристик кластерларнинг шакллантирилиши туристик-рекреацион ресурслардан тўлиқ фойдаланиш замирида янги сайёҳлик фирмалари очилишига, олдиндан мавжудлари ишини янада фаоллаштиришга ҳамда замонавий туристик маҳсулотлар тайёрланишига замин ҳозирлайди

Бугунги кунда энг асосий масалалардан бири хизматлар соҳасини инновацион ривожлантириш ва бу борада аҳолининг иш билан бандлик даражаси ўсиб бориши саналади. Чунки мазкур соҳа ходимлари сайёҳларни кутиб олиш, хизмат кўрсатиш, бўш иш ўринлари яратиш, чет эл валютаси кириб келишини кўпайтириш, туристик хизмат кўрсатувчи тармоқларга даромадлар олиш бўйича бир қанча омилларни ҳаракатга келтиради. Маҳаллий туристик ресурслардан тўғри фойдаланиш ўша ҳудуд иқтисодиётининг ўнгланишига, пировардида турли солиқларни тўлаш орқали маҳаллий ва давлат бюджетини тўлдиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора тадбирлари тўғриси”даги ПФ-5611-сонли Фармони давлатимиз томонидан туризм соҳасида амалга оширилаётган сиёсатнинг мантиқий давоми бўлиб, туризм соҳасини жадал ривожлантириш учун қулай иқтисодий, маъмурий ва ҳуқуқий муҳитни яратган ҳолда, энг самарали тартибни жорий этиш, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳияти ва даромадлари базасини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш, юртимизга келадиган сайёҳлар оқимини кўпайтириш, шунингдек, миллий туризм маҳсулотларини жаҳон бозорида фаол ва комплекс илгари суришга қаратилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Халқ сўзи газетаси. 2018 йил 29 декабр, №271-272 (7229-7230)

1-жадвал. 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепциясини амалга оширишнинг мақсадли кўрсаткичлари²

| № | Кўрсаткичлар номи | 2018 | 2019 | 2020 | 2021 | 2022 | 2023 | 2024 | 2025 |
|----------|---|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|
| 1 | Ўзбекистонга ташриф буюрадиган хорижий туристлар сони минг киши | 4800 | 5889,9 | 6302,2 | 6743,3 | 7282,8 | 7865,4 | 8494,7 | 9089,3 |
| 2 | Туризм хизматлари экспорт (млн АҚШ доллари) | 951 | 1166,9 | 1271,9 | 1399,1 | 1553 | 1739,4 | 1965,5 | 2232,8 |
| 3 | Ички туристлар сони (мингта ташриф) | 14000 | 15640 | 17230 | 18806 | 20317 | 21867 | 23404 | 25010 |
| 4 | Меҳмонхоналар ва шу каби жойлаштириш воситалар сони (дона) | 910 | 1098 | 1609 | 2394 | 2562 | 2715 | 2851 | 2994 |
| 5 | Жойлаштириш воситалардаги хоналар сони (минг) | 22 | 24 | 33,7 | 48,7 | 52,1 | 55,2 | 58 | 60,9 |
| 6 | Жойлаштириш воситалардаги ўринлар сони (минг) | 47,8 | 52,5 | 73,6 | 105,9 | 113,3 | 120,1 | 126,1 | 132,4 |
| 7 | Туроператорлар сони (нафар) | 957 | 1053 | 1158 | 1262 | 1325 | 1458 | 1531 | 1676 |

2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепциясини амалга оширишнинг мақсадли кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора тадбирлари тўғриси”даги ПФ-5611-сонли Фармонида келтириб ўтилган.

Жаҳонда глобаллашув жараёнининг чуқурлашуви ва илмни кўп талаб қилувчи технологияларга асосланган ишлаб чиқаришнинг устувор ривожланиши ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ўсиши ва турмуш сифати ошишининг зарурӣ шарти – инновацион фаоллик билан белгиланади. Инновацион фаоллик, ўз навбатида, давлатнинг иқтисодий ва илмий-техник имкониятлари, инновацияга оид сиёсати ва салоҳияти, жамиятнинг маънавий ҳолатига боғлик. Бу борада иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида туризм соҳасини инновацион ривожлантиришга алоҳида ҳалқаро эътибор қаратилаётгани аҳамиятга моликдир.

Шу муносабат билан туризм соҳасини инновацион ривожлантириш, республикамизнинг

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора тадбирлари тўғриси”даги ПФ-5611-сонли Фармони

туристик имкониятларидан самарали фойдаланиш, туристларга сифатли хизмат кўрсатиши ташкил этиш туризм соҳасининг экспорт салоҳиятини кенгайтириш орқали унинг миллий иқтисодиёт ривожланишига қўшаётган салмоғини муттасил ошириб боради.

Хулоса ва таклифлар

1. Туризм соҳасини стратегик ривожлантириш ва рақобатбардошлигини ошириш иқтисодий самарадорликка эришиш учун, аввало, туризм соҳаларнинг максадлари, шунингдек, воситалари ва унга эришиш усууларини аниқ белгилаб олиш зарур. Юқори сифатли ва рақобатбардош хизматларни энг кам харажатлар асосида ишлаб чиқариш энг кўп даромад олишни тъминлаб, инқирозга учрашдан сақлайди ҳамда ҳар бир туризм соҳасининг асосий вазифаси ҳисобланади.
2. Хизмат кўрсатиш тенденциялари ва қонуниятларини таҳлил қилиш ҳамда стратегик бошқарув тамойиллари асосида унинг рақобатбардошлигини ошириш зарурлиги баҳоланади. Барқарорлик–туризм фаолиятининг натижадорлигидан, рақобатбардош салоҳиятини амалга оширишдан, рақобатбардошлик эса – туризм соҳасининг хизмат кўрсатиш қувватларидан самарали фойдаланиш ҳамда рақобатбардош хизмат кўрсатишдаги имкониятларини белгилашдан иборат бўлганлиги учун, бу тушунчаларнинг бирга қўшилишини ҳисобга олиш, корхонага ўз рақобатбардошлигини оширишнинг оптимал стратегиясини шакллантириш имконини беради.
3. Туризм корхоналарининг иқтисодий самарадорлигини ошириш ҳозирги куннинг энг муҳим йўналишларидан биридир. Аҳолининг туризм соҳасига талаби йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу талабни қондириш учун туризм корхоналарига инновацион технологияларни қўллаш, етарли ҳажмда инвестициялар киритиш ва янги самарали усуулардан фойдаланиш механизмларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.<http://www.press-service.uz/> [29.12.2020].
2. Портер М. Конкуренция: Пер. англ. - М.: Вильямс, 2000. – 495 с
3. Doyle P. Marketing management and strategy. – London: Prentice-Hall Europe, 1999. –559 р.
4. Инновационная конкурентоспособность. <http://center-yf.ru/data/Marketologu/Innovacionnaya-konkurentosposobnost.php> [02.12.2017].
5. Дрок Т. Е. Инновационный проект как исходный элемент инновационной деятельности предприятия: понятие, содержание и прединвестиционные исследования // Молодой ученый. — 2015. — №10.2. — С. 60-64.<https://moluch.ru/archive/90/19078/>.
6. Аяганова М.П.Инновационный проект как новая форма организации инноваций Журнал: Вестник Караганда. 2015. <https://articlekz.com/article/11868> [22.11.17 г.].
7. Инновационный проект – основа инновационной деятельности. <https://www.kazedu.kz/referat/180630/7> [22.11.17 г.].
8. Чан Ким В., Моборн Р. Стратегия голубого океана. Как найти или создать рынок, свободный от других игроков. – М: Манн, Иванов и Фербер, 2017. 336 с.